

БИР БҮЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!

Вилоят ҳокимлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Кинематография агентлиги ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти ҳамкорлигига “Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!” шиори остида “Кинокарвон” маънавий-маърифий тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Пойтахтдан келган таниқли киноижодкорлар, ёзувчи ва зиёлилар лойиҳанинг илк кунида Фарғона шаҳридаги Аҳмад Фарғоний кўчасида ташкил этилган “Маърифат боғи”да кўчатлар экишди.

Тошлоқ туманидаги “Хонариқ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги тадбир барчага манзур бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шоҳида Узоқова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Сайёра Тўйчиева ва бошқалар маҳалла аҳлига самимий дил изҳорларини билдириди. Юртимизда инсон қадри улуғвор эканлигини таъкидлаб, киноларимиздаги эзгу ғоялар хусусида сўз юритилди. Учрашув доирасида “Аёл қисмати” номли фильм намойиши барчада катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, санъаткорлар машҳур кинофильм ва спекталларда ижро этган ролларидан парчалар намойиш этишди. Ватан ва тинчликни улуғловчи куй-қўшиқлар учрашувга кўтаринкилик улашди. Фарғона шаҳрида жойлашган “Темурбеклар мактаби”даги учрашув самимий кечди. Унда “Гулистон” ва “Ал Хоразмий” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳам иштирок этди.

Меҳмонлар бу ердаги яратилган шароитлар билан танишди. Учрашувда ҳарбийлар ҳаёти, юртимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашда улар кўрсатаётган мардлик ва жасорат ҳақида кўплаб бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олинаётгани таъкидланди.

Киноижодкорлар суръатга олиш жараёнларидаги ўзига хос саргузаштлар, қизиқарли воқеаларга оид таассуротлари билан ўртоқлашди, мухлисларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди. “Ўзбек қизи” бадиий фильми иштирокчиларга намойиш этилди.

Бундай тадбирлар ҳудудларда давом этмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-04-19 09:13:41